

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья Т.Турдымуратов

Биринчи инстанция судининг
судьяси О.Мауленов

Protected by PDF Anti-Copy Free
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)
СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ

А Ж Р И М И

16-2001/68

2020 йил 29 октябрь

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг
судлов хайъати, қуйидаги таркибда:

раислик қилувчи - Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари
бўйича суди судьяси А.Абдикаримов,

хайъат аъзолари - судьялар А.Бекманов, Т.Турдымуратов,
судья катта ёрдамчиси Г.Утепбергенованинг котибалигида,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори
З.Идиетуллаев,

судланувчи М.Кадиров, А.Садуллаев ва унинг ҳимоячи адвокати
Т.Калаендеров,

судланувчи Т.Саидов ва унинг ҳимоячи адвокати
М.Тюртинбаевларнинг иштирокларида,

судланувчи Атамурадов Айтбай, Райимов Мухитдин Уринбоевич ва
Раманов Азимбай Каримбаевичларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари
бўйича Эллиққалъа туман судининг 2020 йил 9 сентябрдаги ҳукми устидан
судланувчилар томонидан берилган шикоятларига асосан, жиноят ишини
очик суд мажлисида, апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукми билан:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми
билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 7 йил 6 ой муддатга
озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва ЖКнинг 25,273-моддасининг 5-қисми
билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 7 йил муддатга озодликдан
маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида
жазоларни қисман қушиш йўли билан узил-кесил 8 йил муддатга озодликдан
маҳрум қилиш жазоси тайинланган. ЖКнинг 34-моддаси 3-қисмининг “а”
бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазони махсус тартибли



колонияларда ўташ белгиланган, жазони ўташ муддати 2020 йил 29 мартдан бошлаб ҳисобланган ва эҳтиёт чораси ўзгаришсиз, аслича қамокда қолдирилган.

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 7 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва ЖКнинг 25,273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазолар қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланиб, жазони ўташ муддати 2020 йил 29 мартдан бошлаб ҳисобланган ва эҳтиёт чораси ўзгаришсиз, аслича қамокда қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 34-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазони махсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган, жазони ўташ муддати 2020 йил 29 мартдан бошлаб ҳисобланган ва эҳтиёт чораси ўзгаришсиз, аслича қамокда қолдирилган. ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ муассасаларида гиёҳвандликка қарши мажбурий тиббий даволаниш чораси қўлланилган.

Иш бўйича ашёвий далил - 15,55 грамм “героин” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилиниши белгиланган, 1900 АҚШ доллари ҚР ДХХ га қайтарилганлиги



инобатга олинган, 1 дона сарғиш рангли 5 кг. сиғимликдаги газ балони судланувчи А.Саидовнинг Я.Қ.Н. Арипов ва Г.Раимовага қайтарилиши, тергов ҳаракатларининг видео тасмалари ёзиб олинган 4 дона DVD дисклар иш билан бирга сақланиши белгиланган.

Суд ҳукмига кўра:

Судланувчи Т.Саидов гуноҳкорлик воситаларини муомалага киритиш қонунга ҳилофлигини олдиндан билган ҳолда, таниши М.Кадировдан Тўрткўл тумани ва Хоразм вилояти Хонқа туманини боғловчи кўприкнинг Хонқа тумани тарафидаги четида 500 АҚШ доллар (1 АҚШ доллари Ўзбекистон Респуликаси сўмига нисбатан қиймати 2020 йил 27 март кунига 9.532.74 сўм) пулга сотиб олган 5 дона целлофан пакетга ўралиб жойлаштирилган оғирлиги 2,53 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини 2020 йил 27 март куни соат 10:45ларда Тўрткўл тумани “Куна Тўрткўл” ОФЙ ҳудудида таниши Искендеров Хайрулла Пайзуллаевичдан олдин ўз-аро келишув бўйича олинган 500 АҚШ доллари эвазига сотиб ўтказмоқчи бўлиб келаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жиноят устида далилий ашёлар билан ушланиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиний ҳаракатини охирига етказа олмаган.

Тайинланган суд кимёвий экспертизасининг 2020 йил 27 март декабрь кунги 261-сонли хулосасига кўра, Т.Саидовдан ашевий далил тариқасида олиниб, 1 дона конвертга солинган 5 дона целлофан пакетнинг ичида қуритилган ҳолдаги соф вазни 2,53 грамм героин гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи Т.Саидов юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни касддан содир қилганликда айбланган.

Судланувчи М.Кадиров гиёҳвандлик воситаларини муомалага киритиш қонунга ҳилофлигини олдиндан билган ҳолда, гиёҳвандлик воситаларини тарқатиб, хуфиёна жиний йўллар билан моддий бойлик орттириш мақсадини кўзлаб, таниши Райимов Мухитдин Уринбоевичдан Тўрткўл тумани Тиббиёт бирлашмаси олд томонида 1.000 АҚШ доллар (1 АҚШ доллари Ўзбекистон Респуликаси сўмига нисбатан қиймати 2020 йил 03 март кунига 9.513.84 сўм) пулга сотиб олган тахминан оғирлиги 7 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасининг бир қисмини яъни, қонунга ҳилоф равишда 5 дона целлофан пакетга ўралиб жойлаштирилган оғирлиги 2,53 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини 2020 йил 27 март куни соат 10:30 ларда Тўрткўл тумани билан Хоразм вилояти, Хонқа туманини боғловчи кўприкнинг Хонқа тумани тарафидаги четида таниши Раманов Азимбай Каримбаевичга 500 АҚШ доллари эвазига сотган.

Тайинланган суд кимёвий экспертизасининг 2020 йил 27 март декабрь кунги 261-сонли хулосасига кўра, Т.Саидовдан ашевий далил тариқасида олиниб, 1 дона конвертга солинган 5 дона целлофан пакетнинг ичида



куритилган ҳолдаги соф вазни 2,53 грамм героин гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи М.Кадилов мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилганликда;

Бундан ташқари судланувчи М.Кадилов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан, жиноий ҳаракатларини давом эттириб, гиёҳвандлик воситасини муомалага киритиш қонунга ҳилофлигини олдиндан билган ҳолда, гиёҳвандлик воситаларини тарқатиб, хуфиёна жиноий йўллар билан моддий бойлик орттириш мақсадини кўзлаб, таниши Райимов Мухитдин Уринбоевичдан Тўрткўл тумани Тиббиёт бирлашмаси олд томонида 1.000 АҚШ долларига сотиб олган тахминан оғирлиги 7 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасининг бир қисмини яъни, қонунга ҳилоф равишда 3 дона целлофан пакетга ўралиб жойлаштирилган ҳолда оғирлиги 0,94 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини 2020 йил 27 март куни соат 16:30 ларда Тўрткўл тумани билан Хоразм вилояти, Хонқа туманини боғловчи кўприкнинг Хонқа тумани тарафидаги четида Раманов Азимбай Каримбаевичга 400 АҚШ доллари эвазига сотиб ўтказган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жиноят устида далилий ашёлар билан ушланган.

Тайинланган суд кимёвий экспертизасининг 2020 йил 29 март декабрь кунги 263-сонли хулосасига кўра, фуқаро Т.Саидовдан ашевий далил тариқасида олиниб, 1 дона конвертга солинган 3 дона целлофан пакетнинг ичида куритилган ҳолдаги соф вазни 0,94 грамм героин гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи М.Кадилов мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилганликда;

Шунингдек, 2020 йил 27 март куни соат 18:30ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилган Т.Саидовнинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбир давомида М.Кадиловнинг яшаш манзили бўлган Хоразм вилояти Хонқа тумани “Дўрмон” ОФЙ “Қирқ-ёп” кишлоғидаги уйи кўздан кечирилганида М.Кадиловнинг ётоқхонасидаги туника печининг ичидан таниши Райимов Мухитдин Уринбоевичдан Тўрткўл тумани Тиббиёт бирлашмаси олд томонида 1.000 АҚШ доллар пулга сотиб олган тахминан оғирлиги 7 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасининг бир қисми яъни, 10 дона целлофан пакет бўлагига ва 6 дона қоғоз бўлагига ўралган ҳолда жойлаштирилган, келгусида бошқа шахсларга сотиб ўтказиб, хуфиёна жиноий йўллар билан моддий бойлик орттириш мақсадида сақлаб қуйган оғирлиги 2,41 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан 2020 йил 27 март куни фуқаро Искендеров Хайрулла Пайзуллаевичга тадбир учун берилган 500 АҚШ доллар пуллари аниқланиб, ашевий далил тариқасида олинган.

Тайинланган суд кимёвий экспертизасининг 2020 йил 29 март кунги 264-сонли хулосасига кўра, М.Кадиловдан ашевий далил тариқасида олиниб,



1 дона конвертга солинган 10 бўлак целлофан пакет ва 6 бўлак қоғознинг ичида қуритилган ҳолдаги соф вазни 2,41 грамм героин гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи М.Кадиров мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилганликда;

Яъни, судланувчи М.Кадиров юқоридаги барча ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми ва 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилганликда айбланган.

Судланувчи А.Садуллаев гиёҳвандлик воситаларини муомалага киритиш қонунга ҳилофлигини олдиндан билгани ҳолда, гиёҳвандлик воситаларини тарқатиб, хуфиёна жиноий йўллар билан моддий бойлик орттириш мақсадини кўзлаб, акаси Раймов Раматдан 2017 йил декабрь ойида 3.500.000 сўм пулга сотиб олган тахминан оғирлиги 200 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасининг бир қисмини қонунга ҳилоф равишда 1 дона целлофан пакетга солинган оғирлиги 5,88 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини 2020 йил март ойининг ўрталарида Тўрткўл тумани Тиббиёт бирлашмаси олд томонида таниши Атамурадов Айтбайга 1.000 АҚШ (1 АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан қиймати 2020 йил 28 март кунига 9.532.74 сўм) доллар пулга сотишини, пулини героин гиёҳвандлик воситасини сотиб бўлганидан кейин беришни айтиб келишиб сотган ҳолда ўтказган ва 2020 йил 28 март кун соат 10:10 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилган М.Кадировнинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбир давомида Тўрткўл тумани “Куна Тўрткўл” ОФЙ ҳудудида М.У.Райимов таниши М.Кадировдан келишилган 1.000 АҚШ долларини олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жиноят устида далилий ашёлар билан ушланган.

Тайинланган суд кимёвий экспертизасининг 2020 йил 29 март кунги 264-сонли хулосасига кўра, М.Кадировнинг уйдан ашевий далил тариқасида олиниб, 1 дона конвертга солинган 10 бўлак целлофан пакет ва 6 бўлак қоғознинг ичида қуритилган ҳолдаги соф вазни 2,41 грамм героин гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи А.Садуллаев мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилганликда;

Шунингдек, 2020 йил 28 март соат 11:45 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган М.Кадировнинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбир давомида М.У.Райимовнинг яшаш манзили бўлган Тўрткўл тумани “Оққамиш” ОФЙдаги уйи кўздан кечирилганида унинг ётоқхонасидаги иситиш батареясининг ёнидан 11 дона целлофан пакетга ўралиб жойлаштирилган, келгусида бошқа шахсларга сотиб ўтказиб, хуфиёна жиноий йўллар билан моддий бойлик орттириш мақсадида сақлаб қуйилган, қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ва бошқа



харакатлар тақиқланган оғирлиги 10,37 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситаси эканлигини аниқлашда қўлдан келтирилган далиллар қасдида олинган.

Тайинланган суд кимёвий экспертизасининг 2020 йил 29 март кунги 265-сонли хулосасига кўра, фуқаро А.Садуллаевнинг уйидан ашевий далил тарикасида олиниб, 1 дона пакетга солинган 11 бўлак целлофан пакет ичида қуритилган ҳолдаги героиннинг миқдори 10,37 грамм героин гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи А.Садуллаевнинг ҳуқуқ ҳолатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилганликда;

Яъни, судланувчи А.Садуллаев юқоридаги барча ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми ва 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилганликда айбланган.

Судланувчи М.Кадиров шикоятда, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрор бўлганлигини, оилавий шароитларини эътиборга олган ҳолда жазони уташ режими ва жазо муддатини енгиллаштиришни сўраган.

Судланувчи А.Садуллаев шикоятда, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрор бўлганлигини, оилавий шароитларини, соғлиғи ва нафақа ёшини эътиборга олган ҳолда жазо муддатини енгиллаштиришни сўраган.

Судланувчи Т.Саидов шикоятда, ўзининг ёшини ҳисобга олган ҳолда суд томонидан тайинланган жазо муддатини утай олмаслигини, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитларини ва нафақа ёшини эътиборга олган ҳолда жазо муддатини енгиллаштиришни сўраган.

Судлов ҳайъати судьянинг маърузасини, прокурорнинг суд ҳукми ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи адвокатларнинг ҳукмга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги фикрларини, судланувчиларнинг сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, шикоятлар важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмининг М.Кадиров ва А.Садуллаевларга оид қисмини ўзгартиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, далилларга тўғри баҳо бериб, иш бўйича ҳақиқат аниқланган.

Судланувчиларнинг айблари, уларнинг ўз айбларига иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳлар А.Акбаев, Х.Уразбаев, Ш.Каримбердиев ва М.Атабаев, М.Матякубовларнинг кўрсатувлари билан;

Шунингдек, ашевий далилни олиш тўғрисидаги 2020 йил 27 мартдаги баённома ва фото расмлари; 2020 йил 27 мартдаги экспертиза хулосаси; ашевий далилларни олиш ҳақидаги 2020 йил 27 мартдаги баённомаси; ҳодиса бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги 2020 йил 27 мартдаги баённомаси ва фото расмлари; шахсни шахсий тинтув қилиш ҳақидаги 2020 йил 28 мартдаги баённомаси ва фото расмлари; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш



хақидаги 2020 йил 28 мартдаги баённомаси ва фото расмлари; 2020 йил 29 мартдаги эса ишнинг қўрилганлиги А.Садуллаевнинг ёрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги 2020 йил 15 июндаги баённомаси ва фото расмлари; ишга илова қилинган 4 дона DVD дисклар ҳамда ҳукмда баён этилган иш юзасидан тўпланган қўрилганликлари билан мажмуи билан тўлиқ исботланган.

Аммо, судлов ҳайъати билан суднинг 1-инстанция суди томонидан, судланувчи М.Кадировнинг Хоразм вилоятидаги Ҳатик тумани “Дўрмон” ОФЙ “Қирқ-ёп” кишлоғидаги уйи 2020 йил 27 март соат 18:30ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан кўздан кечирилганида унинг ётоқхонасидаги туника печининг ичидан таниши А.Садуллаевдан 1.000 АҚШ доллар пулга сотиб олган тахминан оғирлиги 7 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасининг бир қисми яъни, 10 дона целлофан пакет бўлагига ва 6 дона қоғоз бўлагига ўралган ҳолда жойлаштириб сақлаб қуйган оғирлиги 2,41 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан 2020 йил 27 март куни фуқаро Х.Искендеровга тадбир учун берилган 500 АҚШ доллар пуллари аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинишида ифодаланган жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 25,273-моддасининг 5-қисми билан;

Шунингдек, судланувчи М..Райимовнинг Тўрткўл тумани “Оққамиш” ОФЙдаги уйи 2020 йил 28 март соат 11:45 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан кўздан кечирилганида унинг ётоқхонасидаги иситиш батареясининг ёнидан 11 дона целлофан пакетга ўралиб жойлаштирилиб сақлаб қуйилган, қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ва бошқа ҳаракатлар тақиқланган оғирлиги 10,37 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситаси аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинишида ифодаланган жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 25,273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниб нотўғри хулосага келган деб ҳисоблайди.

Судланувчи М.Кадиров илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс сифатида унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддасининг 5-қисмидан ЖКнинг 273-моддаси 3-қисмининг “а” бандига;

Судланувчи М..Райимовнинг ҳаракатлари эса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддасининг 5-қисмидан ЖКнинг 273-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилиниши лозим.

Гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддасининг 5-қисми билан жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 3 июлдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 21-бандига мувофиқ шахснинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш учун ЖК 273-моддасининг



тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади. **Protected by PDF Anti-Copy Free**

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланади. Бундай ҳолатларда туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддалар кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

Айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолган қисми кейинчалик суриштирув ёки даслабки тергов давомида аниқланса, жавобгарлик қонунга хилоф равишда ўтказиш ва қонунга хилоф равишда сақлаш учун алоҳида-алоҳида (агар мазкур восита ва моддаларни ўтказишга нисбатан қасд аниқланмаган бўлса), уларнинг миқдorigа боғлиқ равишда келиб чиқади.

Мазкур Пленумининг қарорининг 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб кўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай воиста ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги ва ҳ.к.лар кириши кўрсатилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчилар М.Кадиров ва А.Садуллаевлар ўзларида мавжуд бўлан гиёҳвандлик воситасининг бир қисмини ўзга шахсга қонунга хилоф равишда сотиш орқали ўтказган ҳамда кейинчалик тинтув ўтказиш жараёнида уларнинг яшаш манзилидан ўзларида мавжуд бўлан гиёҳвандлик воситасининг қолган қисмини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда сақлаб кўйганлиги аниқланган. Яъни:

2020 йил 27 март соат 18:30ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тинтув жараёнида М.Кадировнинг яшаш манзилидан тахминан оғирлиги 7 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасининг бир қисми яъни, 10 дона целлофан пакет бўлагига ва 6 дона қоғоз бўлагига ўралиб жойлаштирилган ҳолда аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинган бўлса;

2020 йил 28 март 11:45 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тинтув жараёнида А.Садуллаевнинг яшаш манзилидан героин гиёҳвандлик воситасининг бир қисми, яъни 11 дона целлофан пакетга ўралиб жойлаштирилган ҳолда аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Мазкур айблов эпизодлари бўйича судланувчи М.Кадировнинг ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “а” бандида ҳамда судланувчи А.Садуллаевнинг ЖК 273-моддасининг 2-қисмида ифодаланган жиноий



Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва ЖКнинг 273-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қушиш йўли билан узил-кесил 7 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [REDACTED] ning айби Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,273-моддасининг 5-қисмидан 273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми ва 273-моддасининг 2-қисми билан айбдор деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва ЖКнинг 273-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазолар қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 7 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоятлар қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

А.Абдиқаримов

Ҳайъат судьялари

А.Бекманов

Т.Турдымуратов

Ажрим нусхаси аслига тўғри Т.Турдымуратов

